ГАПЛАРНИНГ НУТҚДАГИ СЕМАНТИК БОҒЛАНИШИДА ТАКРОРИЙ НОМИНАЦИЯЛАР ИШТИРОКИ

И.О.Анорбоева, Н.М.Эсонбоева

Мақолада гапларнинг нутқдаги семантик боғланишида такрорий номинациялар иштироки ва семантик боғланиш турлари тўғрисида фикр юритилади.

***Таянч сўзлар**: семантема, номинатив асос, лексик такрор, такрорий номинация, вариатив ўхшашлик, семантик боғланиш, репрезентация, анафорик феъллар.*

В статье рассматривается место повторной номинации в семантическом соединении предложений в речи, а также виды этих соединений.

***Ключевые слова:** семантика, горизонтальное направление, лингвистическая номинация, предикативность, реприз, антиципация, кореферентность.*

The article discusses choice of renomination and the place of primary nomination in the classification of the double nomination in the speech act as well as types of these unions.

***Key words:** semantics, horizontal direction, linguistic nomination, predicativity, reprise, anticipation, coreference.*

Ифода планида ранг-баранг формал кўриниш касб этган такрорий номинациянинг ифода турлари муайян семантема уйғунлигига кўра нутқда гапларнинг ўзаро мазмунан боғланиб яхлитланишида, мужассам фикрлар уйғунлигини яратишда иштирок этади.

Нутқда такрорий номинациялар нафақат гапларнинг семантик шаклланишида, шунингдек, яхлит мураккаб жумлалар, йирик нутқ бирликларининг шаклланишида ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Нутқ изчиллиги горизонтал йўналишида такрорий номинациялар таянч манба, номинатив асос, бирламчи номинациялар билан алоқаси, семантик боғланиши, яхлитланиши билан изчил ахборот тизими мажмуасини шакллантирувчи воситалардан бири сифатида кузатилади [1.58].

Одатда, такрорий номинациялар номинатив асос вазифасини ўтовчи бирламчи номинациялар билан функционал ифода воситаларининг тўла қамровини яратган ифодада номинаторлик кўринишлари билан қайта номлаш, номинатив асосга ишора этиш орқали алоқага киришади, семантик жиҳатдан узвийлашади. Бунда номинатив такрорнинг барча кўринишлари алоҳида парадигма яратади. Ушбу парадигмадан тўла ўхшашлик, вариатив ва репрезентатив монандлик, функционал алмашинув доирасига мансуб ўзаро боғланган номинатив воситалар жой олади. Уларнинг ҳар қайсиси номинатив асос маъно таркибидаги маълум ахборот элементини қайта, такрорий гавдалантириш орқали ахборот тизимидаги занжирлаштирувчи боғловчи вазифасини ҳам бажаради:

Et elle prononca, d'une voix joyeuse: - La suite a demain! : - C'est comme ca qu'on ecrit un article, mon cher monsieur. Signez, s'il vous plait. Alors il se mit a rire et ecrivit au bas de la page: «Duroy». [4.41]

Юқоридаги мисолда «signer» феълининг дастлабки кўриниши номинатив асос сифатида нутқ вазиятида бирламчи номинация вазифасини бажаради. Ушбу феълнинг лексик такрор сифатидаги иккинчи кўриниши такрорий номинация вазифасини ўтайди ва олдинги жумла билан кейинги жумлани ўзаро боғлаган ҳолда яхлитлашган ахборот мажмуасининг шаклланишида семантик боғловчи сифатида иштирок этади.

Такрорий номловчида «муайян ҳаракатга қатъий ундаш» модаллик маъноси қўшимча маъно кўрсаткичи сифатида ёрқин ифодага эга. Бу ҳақда яхлит мураккаб жумла таркибидаги «hesiter» феъли маъноси ҳам яққол далолат бериб турибди.

Матн таркибидаги жумлаларни бир-бирига мазмунан боғлашда вариатив ўхшашлик ҳодисасини вужудга келтирувчи лексик синонимлар алоҳида ажралиб туради. Лексик синонимлар номинатив асос маъносини вариатив номлаш воситасида тўла қайта номлайди.[2.17]

Бу эса изчиллик йўналишидаги ифода воситалари семантик боғланишининг алоҳида хусусий кўринишини гавдалантиради:

Une chaleur pareille a une flamme lui brula bientot l'estomac, se rependait dans ses membres, raffer. Mit son ame en l'etourdissant. [4.112]

Шу заҳоти ичига олов югургандай бўлиб кетди, томирларига аланга ўтди, жисми қизишди ва ўзини анча тетик сеза бошлади. [5.154]

Ушбу мисолда «bruler», «repandre» ва «олов югурди» ҳамда «аланга ўтди» синоним сўзлари вариатив ўхшашлик ҳосил қилмоқда. Лексик так-

рор лексик синонимлар билан бир қаторда такрорий номинациялар, номинатив асос, таянч манба, бирламчи номинациялар билан репрезентатив номлаш воситасида ҳам боғланиши мумкин.

Репрезентация асосида номинатив асосни қайта, такрор номловчи ифода воситалари таркиби аксарият ҳолларда анафорик феъллар ва феъллар мажмуасидан ташкил топади:

Ils voulurent causer; mais Laurine, grisee, si muette ordinaire,parlait tont le temps, et il fallut l'envoyer a sa chambre. Elle obeit sans repondre, mais avec des larmes dans les yeux. [4.60]

Ушбу мисолдаги «envoyer» ва «obeir» феъллари ўзаро репрезентатив боғланиш ҳодисасини акс эттиради. «Envoyer» феълидаги иш-ҳаракат «obeir» воситасида умумлашган ҳолда қайта номланмоқда.

Номинатив асос ва такрорий номланиш муносабатининг алоқа сатҳида лексик такрор, лексик синонимлашув, репрезентатив номлаш билан бир қаторда функционал алмашинувни олмошлар воситасида ҳамда номинация ёрдамида номлаш кўринишлари ҳам ётади. Улар номловчиларнинг грамматик аломатларини бир қадар кучайтиради ва грамматик абстракцияга йўл очади:

Elle hesita, puis reprit: - Vous des cendrez ici, dans la villa. Votre chambre est pret, du reste.Il peut mourir d'un moment a l'autre, et si cela arrivait . la nuit, je serais seule. J'enverrai chercher votre bagage. [4.120]

Et il cherchait une raison pour s'en aller bien vite, invendant des ruses, des telegrammes qu'il allait recevoir, un rappel de M. Waltir ... Mais ses resolutions de fuite lui parurent plus difficiles a realiser, en s'eveillant le lendemain Madame ne se laisserait point prendre a ses adresses et il perdirait par sa couardise tout le benefice de son devouement. [4.123]

Юқоридаги биринчи мисолда номинатив асос олмош билан алмаштирилиб қайта номланган. Хусусан, нутқ вазиятидаги «Il peut mourir d'un moment a l'entre» бирикмаси «cela arrivait la nuit» орқали алмаштирилган. Бунда «cela» олмоши «Il peut mourir d'un moment a l'autre» жумласини нутқ вазияти хусусиятига кўра умумлаштирилган ҳолда ўзида мужассамлаштиради. Албатта, «cela» номинатив асосга боғланибгина шу вазият мазмунини акс эттиради.

Иккинчи мисолда эса кўз ўнгимизда номинация асосидаги функционал алмашинув содир бўлмоқда. «Ses resolutions de fuite» юқоридаги жумла мазмунини ўзида тўла акс эттиради ва умумлаштириб белгилайди. Предикативлик кўринишидаги етакчи маъно аломатлари отлашган формадаги ифода воситасида умумлашган ҳолда сақланиб қолган. Албатта, мазкур маъно яхлитлиги таянч манба, номинатив асос, мазмун ҳисобга олингандагина сақланади. Таянч манба, номинатив асос билан такрорий номинация муносабати замирида турли семантик алоқалар, боғланишлар ётади.

Ушбу семантик боғланиш турлари ахборот оқими изчил ҳаракати йўналишида нафақат икки номинатив бирлик маълумотларини ўзаро боғлашга хизмат қилади, балки шу билан бир қаторда шу бирликлар билан боғланган ахборотларнинг кичик тизимларини тартибли равишда бир-бирига боғлашда, йириклаштиришда, яхлитлаштиришда иштирок этади. Улардан бири тенг қимматли семантик боғланиш бўлиб, у ўзаро ўхшашликни акс эттириб, бирламчи ва такрорий номинация ўртасида семантик мослашувни юзага келтиради. Ўз навбатида семантик мослашув ифода планида ўз аксини лексик такрорларда, лексик синонимларда, лексик синонимлар воситасидаги алмашинувларда топади:

L'autre refusait de monter.

- Non ... ca n'est pas possible.. Forestier le prit par les epaules le fit pivoter sur ses talons, et le poussant vers l'escalier: - Mais,va donc, grand serin,quand je te dis d'y aller - Tu ne vas pas me forcer a regrimper mes trois etages pour te presenter et expliquer ton cas. Alors Duroy se decida: - Merci, j'y vais. Je lui dirai que tu m'as force, absolument force a venir la trouver. [4.37-38]

Дюруа ҳамон талмовсираб турганди.

- Йўқ, ... иложи йўқ. Форестье унинг елкасидан тутиб, эшик томонга итарди. Боравер-санг-чи, афанди, бор, боравер! Мининг яна тўртинчи қаватга чиққим йўқ, илтимосимни унга ўзинг айтсанг ҳам бўлаверади. Ниҳоят Дюруа боришга шайланди. Хўп, бўлмаса, раҳмат сенга, кетдим. Сен мени зўрлаб юборганингни унга айтаман. [5.42]

Forestier entrait, Duroy l'arreta: Nous oublions depasser au guichet. L'autre repondit d'un ton important. Avec moion ne pays pas. [4.19]

Биринчи мисолда «va donc» ва «j'y vais» ўртасида лексик такрор асосида ўз ифодасини топган семантик мослашув кузатилмоқда. Ўзбек тилида эса семантик мослашув лексик синонимлар воситасида ифодаланган. Иккинчи мисолда семантик мослашув «passer au guichet» ва «payer pour l'entree» лексик синонимлари орқали ифодаланса, ўзбек тилида лексик такрор қўлланган.

Семантик боғланишнинг навбатдаги турига семантик умумлаштирув киради. Ушбу семантик боғланиш асосида номловчилар семантемаларининг «гипоним – гипероним» муносабати ётади:

Ils etait remis, sans s'en apercevoir, a revasser, commeil faisait chaque soir... [4.36]

Мазкур мисолда «гипоним - гипероним» муносабати ўз аксини топган. Номинатив асос мавқеидаги «s'etait remis, a revasser» умумлашган ҳолда «faisait chaque soir» орқали қайта номланмоқда. Бинобарин, «revasser» семантемаси мавҳум маъно касб этувчи «faire» семантемаси орқали такрорий номланмоқда.

Такрорий номинация вазифасидаги «faire» лексемасини мавҳум маъно кўлами ва ундаги семантеманинг умумлаштирувчи хусусиятига кўра нутқ вазиятларида турли кўринишдаги семантемаларга нисбатан алмаштириш учун қўллаш мумкин. Чунки унинг маъноси нутқ вазиятидаги номинатив асосга кўра ойдинлашади.

Семантик кесишув асосида боғланиш муносабати бирламчи номинация билан такрорий номинация ўртасидаги алоқанинг алоҳида кўриниши сифатида кўзга ташланади. Семантик кесишув боғланиши мазмунига кўра ёндошлик алоқаси, сабаб-оқибат муносабатини ўзида мужассамлаштиради.

Ўзаро туташувда «қамровчи - қамралувчи» типидаги ҳажмий муносабат юзага келади:

Il s'assit devant sa table, trempa sa plume dans l'encrier, prit front dans sa main et chercha des idees. Ce fut en vain. Rien ne venait . [4.36]

Юқоридаги мисолда «chercha des idees» бирламчи номинацияси «ce fut en vain» ва «rien ne venait» такрорий номинациялари орқали конкретлаштирилади. Улар нутқ вазиятининг турли аспектларига мансуб. Ушбу муносабат асосида турли аспектли номловчилар қаторига, одатда, статик, динамик, эмоционал-баҳоловчи номинациялар киради:

Il possedait un bien attenat aux terres de la vieille, qu'il convoitait depuis longtemps. Vingt fois il avait essaye de les acheter, mais la mere Magloire s'y refesait avec obstination. [4.247]

Унинг ер-суви кампирнинг боғи билан туташган бўлиб, у шу боққа кўпдан бери кўз тикиб юрарди. Неча-неча харидор бўлиб ҳам кўрди, лекин Маглуар эна сотгани ҳеч кўнмасди. [5.111]

Ушбу мисолда турли аспектли номинациянинг статик кўриниши ўз аксини топган. Бунда «convoiter» феъли «essayer de les acheter» ва «s'y refuser» феъллари билан сабаб-оқибат муносабатига кўра боғланади.

Эмоционал-баҳоловчи номинацияларда номинатив асос маъно таркибида гавдаланган иш-ҳаракат, фаолият турига берилган баҳо, мушоҳада, таҳлилий таъриф ўз аксини топади:

Trois ans s'ecoulerent. La bonne femme se portait comme un charme. Elle paraissait n'avoir pas vieilli d'un jour et Chicot se des esperait. Il lui semblait, a lui, qu'il payait cette rente depuis un demi-siecle, qu'il etait trompe, floue, ruine. ... Il ne savait que faire. Il eut voulu l'etrangler en la voyant.. Il la haissait d'une haine feroce, sournoise, d'une haine de paysan vole ... [4.250]

Юқоридаги семантик боғланиш турларининг барчаси номинатив асос билан унинг такрорий атамаси ўртасидаги алоқани таъминлайди, узвийлаштиради. Нутқда уларнинг ҳар бири ўзига хос ифода шакли ва кўринишига эга.

Адабиётлар:

1. Greimas A. Semantique structurale.- Paris, 1976.- p.355
2. Ullmann S. Precis de Semantique francaise. Edition Paris., 1952 . p.266
3. Гак В.Г. Сопоставительная лексикология.- М., 1977. p.420
4. Mopassan. Contes et nouvelles. Bel-Ami. Roman. Edition Paris, 1981
5. Мопассан. Хаёт. Азизим. Новеллалар.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1987.

Андижон давлат университети,
2017 йил 2 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. А.Мамадалиев)